

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

614 Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги маълумотномани бериш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2737*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги маълумотномани бериш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 16 ноябрь
16-сон

К. БЕРДИЕВ

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2015 йил 16 ноябрь
33-сон

А. АХМЕДБАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги ҳамда Ички ишлар
вазирлигининг 2015 йил 16 ноябрдаги
16, 33-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган
чақирилиш ёшидаги шахсларга мудофаа ишлари бўлимлари
томонидан ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги
маълумотномани бериш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ–500-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги маълумотнома бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан, тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга мудофаа ишлари бўлимлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотнома уларнинг сўровига асосан расмийлаштириб берилади.

**2-боб. Чақирилиш ёшидаги шахсларга маълумотнома
бериш**

3. Маълумотнома олиш учун фуқаролар тегишли мудофаа ишлари бўлимига мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

4. Ариза мудофаа ишлари бўлими томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади.

5. Маълумотнома мудофаа ишлари бўлимлари томонидан икки нусхада

бир хил шаклда расмийлаштирилади. Бунда маълумотноманинг бир нусхаси ариза билан мурожаат қилган шахсга, иккинчи нусхаси эса, фуқаронинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

6. Қўйидаги ҳолларда мудофаа ишлари бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга маълумотнома берилмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан навбатдаги қақирув бўйича қабул қилинган қарорга асосан қақирувга оид тадбирлар давом этаётган бўлса;

қақирилувчи сафарбарлик қақируви резервидаги ҳарбий хизматга қақирилган, бироқ шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг махсус ҳисобварағига тегишли пул бадалларини белгиланган муддатда тўламаган бўлса.

7. Мудофаа ишлари бўлимлари томонидан маълумотнома беришнинг рад этилганлиги ҳақида фуқарога ёзма равишда асослантирилган жавоб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга берилган маълумотномалар ҳақида мудофаа ишлари бўлимнинг масъул ходими томонидан мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги китобга қайд этиб борилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

9. Чет элга бормоқчи бўлган ҳарбий гувоҳномаси бўлмаган чақирилиш ёшидаги шахсларга мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотнома мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда берилади.

10. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

614-модда

— 80 —

49 (705)-сон

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан
чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга
мудофаа ишлари бўлимлари томонидан
харбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги
маълумотномани бериш бўйича йўриқномага
1-ИЛОВА

Намуна

Мудофаа ишлари бўлими штампи

М А Ё Л У М О Т Н О М А
000000-сон

_____ мудофаа ишлари бўлими томонидан
(маъмурий ҳудудий бирлик номи)

_____ да яшовчи _____ йил-
да туғилган фуқаро _____ нинг
(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига эътироз мавжуд эмас-
лиги маълум қилинади.

(маъмурий ҳудудий бирлик номи)

мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

(харбий унвони, имзоси ва фамилияси)

М.Ў.

49 (705)-сон

— 81 —

614-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан
чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга
мудофаа ишлари бўлимлари томонидан
ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги
маълумотномани бериш бўйича йўриқномага
2-ИЛОВА

Намуна

_____ (маъмурий ҳудудий бирлик номи)

мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

_____ га

_____ (ҳарбий унвони, Ф.И.О.)

_____ (маъмурий ҳудудий бирлик номи, уй манзили)

_____ да

яшовчи фуқаро _____ дан

_____ (Ф.И.О.)

АРИЗА

Менга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётганлигим сабабли, ҳарбий хизматдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштириб беришингизни сўрайман.

20__ йил _____

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан
чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга
мудофаа ишлари бўлимлари томонидан
ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги
маълумотномани бериш бўйича йўриқномага
З-ИЛОВА

614-Молда

(маъмурий ҳудудий бирлик номи)

мудофаа ишлари бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган
чақирилиш ёшидаги шахсларга берилаётган маълумотномаларни қайд этиш
КИТОБИ

Т/р	Маълумотнома берилган шахснинг Ф.И.О.	Туғилган йили	Яшаш манзили	Кетиш мақсади	Маълумотнома рақами ва берилган санаси	Маълумотнома олганлиги ҳақида имзо

— 82 —

49 (705)-сон

49 (705)-сон

— 83 —

614-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан
чиқаётган чақирилиш ёшидаги шахсларга
мудофаа ишлари бўлимлари томонидан
ҳарбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги
маълумотномани бериш бўйича йўриқномага
4-ИЛОВА

Намуна

Мудофаа ишлари бўлими штамп

М А Ё Л У М О Т Н О М А
000000-сон

_____ мудофаа ишлари бўлими томонидан
(маъмурий ҳудудий бирлик номи)

_____ да яшовчи _____ йил-
да туғилган фуқаро _____ нинг
(Ф.И.О.)

чет элга чиқишига эътироз мавжуд эмаслиги маълум қилинади.

(маъмурий ҳудудий бирлик номи)

мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

(ҳарбий унвони, имзоси ва фамилияси)

М.Ў.